

**БУГУНГИ ЁШЛАР ВА ВИРТУАЛ БОРЛИҚ МАСАЛАСИ****В. И. Раҳимова -***Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети,  
катта ўқитувчи,***С.В. Темирова -***Тошкент давлат транспорт университети,  
катта ўқитувчи.* 10.24412/2181-7294-2024-1-203-207

Маълумки, мамлакатимизда жамият ҳаётини тубдан янгилаш жараённида оммавий ахборот воситаларини сифат жиҳатдан ривожлантиришга, жумладан ижтимоий тармоқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш» [1] вазифаси белгиланган. Ҳар қандай жараённинг яхши ва ёмон томонлари бўлганидек, жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ахборотлаштириш ва истиқболли ахборот технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат тежамкорлигини оширишни, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалишини, жамият интеллектуаллашуви умумий даражасини оширишни таъминлаши каби ижобий томонлар билан бир қаторда ахборот макони учун кураш ва инсонга ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг авж олиши каби алоҳида хавфни ҳам юзага келтиради. Бу холат айниқса, глобаллашув ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизим ва ижтимоий бирликларнинг интенсив интегратсияси асосида, қсадир бўлмоқда. Глобаллашувнинг ахборотлашган жамиятда намоён бўлиши билан боғлиқ масалаларнинг тадқики учун «глобаллашув – аввало, ҳаёт суръатларининг бекёс даражада тезлашуви...»[2]. Глобаллашув ижтимоий жараёнларнинг глобал ва маҳаллий ўлчовдаги мураккаб ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсиридир. Бир маъноли жараён бўлмагани ҳолда, глобаллашув можаро, тарқоқлик, тенгсизликнинг янги шаклларини вужудга келтира олади, улар шахс ва ижтимоий гурухларнинг ҳам ривожланиши, ҳам деградатсияси барбод бўлиши омилларидир. Фикримизча, айнан таълим институти шахсга глобаллашув жараёнларининг салбий таъсирини нейтраллаштириши ҳамда шахс ривожида универсаллашиш ва индивидуаллашиш жараёнларининг тасодифан шакланаётган мутаносиблигини тўғрилай олади.

Хозирги кунда жамиятнинг барча соҳаларидаги янгиликларга қизиқишлири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ўрганиш жараёни, билим ва кўнникмаларга эга бўлиш истагини келтириб чиқаради. Бу айниқса вертуал борлиқда намаён бўлмоқда. Инсон хулқ-автор ва ҳиссиёт сифатида минг йиллар давомида инсоният ривожланишининг ҳаракатлантирувчи мотив сифатида қаралади. Бизнингча онгимиз беихтиёр янгилик учун «тўғри» нарсани қидиради. Инсон онгининг «ишлишни ўртача даражаси» максимал мотивация ва якуний муваффақиятга олиб келади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, оптимал-ишлиш модели ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг ноаниқ ёки аниқ вазиятларда маълумот алмашинувида инсон омилини бошқаришда стратегик ҳаракат ва интилишларини рўёбга чиқарувчи юқори дараждадаги ишлиш механизмидир.

Ижтимоий тамоқларда ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши, жумладан, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга (табиий ёки ижтимоий ўзгаришларга) мослашиш орқали ҳам содир бўлади. Айни шу ҳолат гуруҳ бирдамлиги ва барқарорлигининг шаклланишига ёрдам беради, унинг динамикасини белгилайди. Виртуал уюшмаларда асосий зиддият қўзғовчилар, хавотир манбалари ва ривожланиш векторлари «ичдан» келади. Шу нуқтаи назардан, тармоқ гурухларининг ҳаракат-фаолиятининг соф технологик жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда етарли эмас, чунки биринчи қаторга социомаданий таҳлил, ички мотиватсия,

тегишли виртуал уюшмалар иштирокчиларининг шахсий қизиқиши ва манфаатлари каби хусусиятлар чикмоқда. Дарҳақиқат, Интернетга кириб борар экан, шахс кибермаконда ижтимоийлашиши керак. Бу жараён инструментал ва социал фазаларни назарда тутади. Инструментал фазага «электрон» саводхонлик ва кибермаконда ҳаракат қилиш малакасини ўзлаштириш киради, социал фазага эса тармоқ уюшмаларида ва кибермакон социал жамоасида мавжуд ижтимоий тартиб-қоидалар, қадриятлар ва ролли талабларни ўзлаштириш киради. Виртуал муҳит, техник ва дастурий артефактлар билан иш кўриш имкониятини берадиган минимум билимларсиз, инсонлараро мулоқот асосларини билмай туриб, кибермаконда мавжуд ўзаро ролли муносабатлар тизими учун функционал аҳамиятга эга бўлган ориентирларни ўрганмай туриб, акторлар ўзлари олдида очилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмайди.

Тадқиқот натижаларига кўра аниқландики, Ўзбекистонда ижтимоий тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу, энг аввало, жамиятда ўзининг муаммоларини мустақил ҳал қилиш учун ёш шахс қандай манбаларни ишга сола олиши билан боғлик жараёндир. Булар: 1) иқтисодий манбалар, бунга мол-мулк кўрсаткичи, жамғармаларнинг мавжудлиги ва шу каби индикаторлар киради; 2) илм-малака манбаи, бу билим ва малака кўрсаткичи йифиндиси деб ҳисобланади; 3) ижтимоий манба: а) кундалик мулоқот ва кўмак (дўстларнинг мавжудлиги, улар билан доимий мулоқот ва уларнинг ишончи), б) ишончли ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, в) расмий тармоқлардан фойдаланиш (клублар ва партияларга аъзо бўлиш); 4) маданий манба, яъни дам олиш ва маданият талаблари, болалар ва ёшлар учун шароитлар кўрсаткичи (яаш жойи, ота-онанинг маълумоти); 5) шахсий манба: олдиға қўйиган мақсадга эришиш, ўзининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз меҳнат фаоллигини кучайтириш; 6) биологик манба, бу ёш шахснинг меҳнат бозорида фойда кўриш имкониятларини кўпайтирадиган ёки аксинча камайтирадиган хусусиятлари тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий тармоқлар таъсирида шахс шаклланиб боришининг энг ижобий кўрсатгичларидан бири – виртуал тармоқларда вақт тансиклиги ва масофалар катталиги каби кўрсатгичларнинг қисқариши мулоқот ва таълим олиш жараёнлари масофавий (дистанцион) бўлишига сабаб бўлди ва шахснинг шаклланишида кўпроқ мустақил тарзда кечадиган шарт-шароитлар юзага келди. Бунинг натижасида вақт тежамкорлиги, меҳнат унумлилиги ва самарадорлиги ошиб бормоқда. Глобал тармоқларнинг деярли чексиз имкониятлари билимларни чукур эгаллашга, бу жараёнда қиёсий, тарихий, фактологик таҳлил каби анализ турларидан унумли фойдаланишга кўмаклашади. Шахснинг дунёқарashi кенгаяди, мустақил ишлаш, қарор қилиш, илмий натижаларни амалиётга тадбиқ қилиш кўнкимлари ортиб боради.

Бутун дунё бўйлаб дигитализатсия рақамли технологиялар ёрдамида яратилган виртуал макон нафақат ҳозирги замон жамияти ҳаётига, балки шахс, ҳаёт ва ижтимоий жараёнларга тезкорлик билан кириб бормоқда. Персонал компьютерларнинг ривожланган давлатларда кенг тарқалиш суръатларини қуидаги рақамларда кузатиш мумкин: АҚШда 1989-1993 йилларда тармоққа уланган компьютерлар 10%дан 60%дан кўпроқка ошиди [3]. РФнинг Ахборот технологиялари ва алоқа вазири ЖИ. Рейман келтирган маълумотларга кўра, 2005 йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича Россияда персонал компьютерлар сони 15% га ошиб, 15 миллион донадан кўпроқни ташкил этган. Интернет истеъмолчилари сони 12 миллион кишидан ошиди, интернет-трафик ҳажми эса охирги ярим йил ичida 2,5 баробар кўпайди [4].

Бугунги кунда Ахборотлашган жамиятда миллий манфаатлар ҳалқнинг маданий-тарихий ўзликни сақлаб қолиши, давлат ва нодавлат институтларини ҳимоя қилиш, мамлакат суверенитети ва миллий қадриятларни шахс, жамият ҳамда давлатнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш борасида англанилган эҳтиёжларидир [5].

Демак, мамлакатда ахборот хавфсизлигини таъминлаш миллий манфаатларни турли таҳдидлардан ҳимоялаш орқали муайян соҳа ёки маълум бир тармоқда пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф этишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилишда миллий манфаат сифатида – ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш орқали оммавий ахборот воситаларини

фуқароларнинг ўз фикри ва позицияларини, айрим воқеликларга муносабатини эркин ифода этадиган воситаларга айлантиришдан иборат.

Глобаллашув жараёнида ёшларни жаҳонда ўз миллий анъана ва қадриятларнинг соҳиби бўлган дунёнинг эркин фуқаросини шакллантиришга қаратилиши лозим. Бунда таълим нафакат шахс ривожининг даражасини, балки бутун жамиятни умумийликда, унинг барча ижтимоий институт ва тизимларининг даражасини ҳам белгилаб бериши лозим.

Интернетда ёшлар маънавий қийфасига трансформатсияси аудио-визуал ва контент маълумотларнинг тарқатилиши, зўравонлик, порнография, педофилия саҳналарининг эълон қилиниши тизимли мунтазам мониторинг килиб бориш даврнинг талабига айланди. Интернетнинг ахборот ижтимоий макони, дезинформатсия манбаига айлангани салбий муносабатлар ҳамда маънавий бегоналашув омилларига олиб келиши ҳам мумкин. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Ижтимоий тармоқлар трансформатсияси” ҳозирги кунда жаҳон хамжамиятини ташвишга келтириб қўйди. Глобаллашув, ахборот соҳаси интегратсияси мамлакатлардаги турли ҳил сиёсий, мафкурафий ва бошқа оммавий коммуникатсия воситаларидан, айниқса, Интернет тармоғидан фойдаланиб, ахборот эркинлигини сунстество қилиб ёш авлодга ахборот таҳдидларини курсатиш орқали, маънавий-дунёқарashi шаклланиб улгурмаган ёшларни онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги интилишлари кучайтираётганини кузатиш мумкин. Албатта, ҳозирги пайтда тармоқ этикетининг айрим умумий қоидлари мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин, бироқ улар кўпроқ виртуал муҳитда ахборот алмашиниш ва мулоқот қилишни тартибга солади: ҳар бир истеъмолчининг хатти-ҳаракатлари Интернетдаги бошқа одамларнинг ўз виртуал истакларини амалга оширишига ҳалақит бермаслиги керак. Фақат ўз ахборот заҳираларини яратгандаргина бошқа тармоқ уюшмалари аъзоларининг уларга кириш (улардан фойдаланиш) тартиби ва характерини белгилаши мумкин. Тармоқ уюшмаларида эски аъзолари бўлиб, улар мазкур виртуал маконни ё «яратувчилари» ёки «ҳимоячилари» бўлишади. Мазкур чатга кирган ҳар қандай «бегона» мазкур уюшма аъзоларига хоч бўлган ёзилмаган одоб-ахлоқ қоидларини бузган тақдирда бу макондан чиқарилади (элиминатсия қилинади). Энг қатъий чора – у билан мулоқотнинг тўхтатилиши, ҳатто, ундан келадиган барча ахборотни блокировка қилинилади.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мулоқот олиб бораётган ёшлар ўртасида ҳалқаро миқёсда тақиқланган турли секта ва диний ташкилотларга аъзо бўлиб, фашизм, миллатчилик, ирқчилик, диний оқимлар, порнофаолият, ўз жонига қасд қилиш, қулликка тушиш каби деструктив ҳолатлардан жабр кўрганлар сони кўпаймоқда.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ушбу муаммони бартараф этишнинг ишончли воситаларини, мукаммал дастурларини ишлаб чиқишга харакат қилинмоқда, катта миқдордаги маблаглар ажратилмоқда, кўплаб сайтлар блоклаб қўйилмоқда.

Ижтимоий тармоқларни шаклланиш тенденциялари ахборотларга танқидий ёндашиш ва унинг фойдали манбалари асосида ўз дунёқарашини кенгайтириш, мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш ва кўнирма билимларга, дунёвий илмларни моҳиятини англаш қобилиятига эга бўлиши, дунё ҳамжамиятининг трансформатсиялашуви сиёсий, ижтимоий- иктисодий жарёнларга бефарқ бўлмаслиги унинг конструктив ва рационал ечимини топишни долзарб стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Ўзбек тилидаги интернет-платформалар орасида энг кенг тарқалгани-ўзбек Википедияси. Энг оммабоп бўлган 10та веб-сайт орасида етакчи позицияни Дарё.уз, 2-чи ўринда Кун.уз, 3-чида эса Стадион.уз [6] ва бошқалари жамоатчилик онгига ижтимоий тармоқлар сифатидла қаралмоқда.

Агар тарихга назар ташласак, XX асрнинг 40-йилларигача ОАВни ўрганишда уч вазифа ажратилар эди: ахборот бериш, тарғиб этиш, ташкиллаштириш. Маданий меросни сақлаш, аксеологик вазифалар ҳақида эса гап бўлмаган. Бироқ XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни оммавий ахборот воситалари санъат, илм-фан, таълимнинг аудивизуал шаклини олгандан сўнг, уларни жамиятнинг маданий қадриятларини узатувчиси сифатида ўрганиш ва идрок этиш зарурати пайдо бўлди. Бу ишни илк бор 1948 йили Х.Д. Лассуэл амалга оширди ва учта янги базавий функциясини ажратди: инсониятнинг яшаш муҳити устидан жамоатчилик назоратини

ўрнатиш ва алоҳида ижтимоий тузилмаларни жамият ва тамаддунда вужудга келаётган деструктив муаммолардан ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларидан хабардор қилиш, бу муаммоларни ҳал этиш бўйича баҳс-муҳокамаларини ташкил этиш; жамиятдаги ички тизимларнинг умумий мақсадларни амалга ошириш ва идеалларни ифодалаш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштириш; авлод-аждодларнинг маданий меросини сақлаш ва ҳ.к. [7]. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ОАВнинг ижтимоий ва маданият анъаналарни сақлаш функциялари масалалари совет социологлари ва файласуфлари томонидан фаол муҳокама этиб келинганд. Бу баҳс-муҳокамаларнинг айрим натижалари таникли социолог Б.А.Грушин бошчилигида 1967-1974 йиллар мобайнида ўтказилган «Ижтимоий фикр» фундаментал комплекс тадқиқотида муайян даражада умумлаштириб берилган. 80-йилларнинг охирларида оммавий ахборот воситаларининг ёшларда қадриятлар тизимининг шаклланишидаги роли борасида профессор В.О. Оссовский раҳбарлигида бир гурӯҳ олимлар томонидан тадқиқот ишлари амалга оширилган [8]. XX аср охири - XXI аср бўсағасида тадқиқотчилар ОАВнинг аксеологик функцияси масаласига эътибор қарата бошладилар, чунки улар маданиятлараро мулоқотнинг ҳам, шахснинг миллатлар, авлодлар, давлатлар тарихий, маънавий ва моддий тажрибаси билан мулоқотининг ҳам энг оммалашган ички шаклига айланди. ОАВнинг, айниқса, электрон масс-медиаларнинг, негатив аксеологик функциялари шунда намоён бўладики, улар оммавий маданиятда ҳукмронлик қиласи, манипулятив семантика ва риторикани ишлатишади, индивид ва ижтимоий гуруҳларнинг онгига объектив ижтимоий воқеликда тегишли гуруҳларнинг манфаатларига мос келадиган виртуал реалликни сингдириб, онгни бузиш ва ўзига хос реалликни шакллантириш технологияларини кўллайди (мақсад – мустақил фикрлай олмайдиган авлодни тарбиялаш, истеъмолчилик жамияти стереотипларини шакллантириш ва ҳ.к.). Мазкур барча хаёлий симулякрлар муайян ижтимоий шароитларда ижтимоийлашув жараёнлари учун деструктив бўлган муайян негатив аксеологик вазифаларни бажаради. ОАВда ишлатиладиган замонавий ахборот технологияларининг шахс ижтимоийлашувига бўлган таъсирининг негатив оқибатларидан бири унда иродасизлик ва масъулиятсизликни шакллантиришдир.

Виртуал макондаги ижтимоийлашув тармоқ уюшмаларида (хусусан, хакерлар орасида) қабул қилинган қоида, қадрият, хатти-ҳаракат паттернларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлиб, социум томонидан назорат қилинмайди, оқибатда шахс хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи қоидалар қурамалилигининг кучайишига олиб келади. Бирламчи социумнинг бирламчи ва иккиламчи ижтимоийлашувига хос нисбий тизимлилиги бузилади, ёшлар натижада, маданий субъектнинг янги типи вужудга келади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. <http://www.xabar.uz/tehnologiya/dunyoda-internet-foydalanuvchilari>
3. Gilder G. The Death of Telephony // The Economist, 1993, 11 Sept. P.75-77.
4. <http://www.moscow2000.com/news>
5. Хан К. Изменение «духа времени» немецкого высшего образования и роль GATS // Высшее образование в Европе. 2003. №2.
6. <http://infocom.uz/2018/01/22/opublikovany-samye-populyarnye-servisy-prilozheniya-i-telefony-internet-polzovatelej-uzbekistana>
7. Қарангирнов Ф.О. Русский язык «выпал» из Сети, <http://psynet.by.ru/texts/smirknov.htm>.
8. Оссовский В.О. Массовая информация и общественное мнение молодежи. Киев, 1989.

**РЕЗЮМЕ:**

Мақолада ёшлар масаласи, виртуал борлық ва жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат тежамкорлигини ошириш, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалиши каби ижобий томонлари, ахборот макони, инсонга ахборот-психологик таъсир кўрсатиши, глобаллашув ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизим ва ижтимоий бирликларнинг интенсив интеграцияси масаласи кенг манбалар асосида тахлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Виртуал, борлық, жамият, ахборотлаштириш, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш, илмий, билим, ахборот макони, инсон, глобаллашув, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тизим, интенсив, интеграция.

**РЕЗЮМЕ:**

В статье на основе обширных источников рассмотрены положительные и отрицательные стороны проблемы молодежи виртуального существования и информированности общества, информационных технологий, повышения эффективности производства и производительности труда, быстрого распространения научных знаний и передовых технологий в обществе информационного пространства.

**Ключевые слова:** Виртуал, существование, общество, информатизация, информационные технологии, производство, научное, знание, информационное пространство, человек, глобализация, социальная, экономическая, политическая, системная, интенсивная, интеграция.

**RESUME:**

The article, based on extensive sources, examines the positive and negative aspects of the problem of youth virtual existence and awareness of society, information technology, increasing production efficiency and labor productivity, the rapid dissemination of scientific knowledge and advanced technologies in the information space society

**Key words:** Virtual, survival, society, informatization, information technology, production, science, knowledge, information space, human, globalization, social, economic, political, system, intensive, integration